



## O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 17 » avgust

№ 396

Toshkent sh.

**Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялашга оид қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида” 2023 йил 6 февралдаги ЎРҚ-816-сон Қонунига мувофиқ, шунингдек, автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида” 2023 йил 6 февралдаги ЎРҚ-816-сон Қонунига мувофиқ автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш, шунингдек, автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколати орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини:

автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш;

автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш фаолиятини бошлаганлик ёки тутатганлик тўғрисида хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида ваколатли орган сифатида белгилаш;

б) автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш паспортини тасдиқлаш.

3. Белгилаб қуйилсинки, автомототранспорт воситалари ҳамда шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга лицензия беришда, уларнинг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлигининг мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўрганилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги уч ой муддатда автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар фаолияти мазкур қарор билан белгиланган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 17 августдаги 396-сон қарорига  
илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Автомотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 23 февралдаги 139-сон қарорининг 2-банди қуидаги таҳирда баён этилсин:

“2. Қуидагилар автомотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш учун қўшимча лицензия талаблари ҳамда шартлари сифатида белгилансин:

ўқув жараёнига дарслар ўзлаштирилишини оширишга йўналтирилган ўқитиш мониторингини олиб бориш ва режалаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш;

бутун ўқув жараёнини қамраб оладиган анимация эффектлари ва видеоконтентга эга электрон ўқув-услубий қўлланмаларнинг мавжуд бўлиши, ҳар бир таълим олувчини (тингловчини) ушбу ўқув қўлланмалари билан таъминлаш;

ҳар бир ўқитувчини ўқув дастурлари, турли педагогика технологияларидан фойдаланиш йўриқномаларини ўз ичига олган батафсил технологик карталар билан таъминлаш;

ҳар бири камида 40 квадрат метр майдонга эга бўлган ва битта худудда жойлашган икки ёки ундан кўп аудиторияларнинг мавжуд бўлиши;

ҳар бир аудиторида видеопроекторлар, компьютерлар, аудио ва видео кузатув тизимлари, Йўл ҳаракати қоидалари бўйича кўргазмали қўлланмалар, шунингдек, ўқув жараёни ва якуний тест синовининг ошкоралигини таъминлаш учун жараённи ёзиб олиш тизимининг мавжуд бўлиши;

таълим олувчилар билимларини якуний тест синовидан ўтказиш учун компьютерлар билан жиҳозланган алоҳида аудиториянинг мавжуд бўлиши.”.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Автомотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда автомотранспорт воситаларини бошқариш хуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарорида:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”;**

б) 1-банднинг иккинчи хатбоиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ”;**

в) 1-иловада:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом”;**

1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“1. Мазкур Низом автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.**

**2. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш учун юридик шахсларга лицензия бериш, лицензия амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – Ички ишлар вазирлиги) томонидан амалга оширилади.”;**

2-боб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“7. Лицензия олиш учун лицензия даъвогари қуйидаги хужжатларни давлат хизматлари марказларига тақдим этади ёки электрон шаклда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд “Лицензия” ахборот тизими орқали юборади:**

мазкур Низомга 1-иловада келтирилган Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш паспортининг 4-позициясида кўрсатилган хужжатлар;

ушбу Низомга 2-иловада келтирилган Автомототранспорт воситаларини бошқариш хукуқини берувчи миллий ҳайдовчиллик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказишида фойдаланиладиган

объектларнинг жиҳозланишига қўйиладиган талабларнинг бажарилганлигини тасдиқловчи маълумотлар;

лицензия даъвогари томонидан аризани кўриб чиққанлик учун йифим тўланганлигини тасдиқловчи хужжат.

Лицензия бериш тўғрисидаги аризада лицензия даъвогарининг электрон манзили кўрсатилгани унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақидаги электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

Лицензия олишга даъвогар юридик шахс мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш паспортида белгиланган лицензия талблари ва шартларига риоя қилиши лозим.”;

9 ва 10-бандлар қуйидаги таҳхирда баён этилсин:

“9. Лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиқиши учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида йифим ундирилади.

Лицензия олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган йифим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Йифим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда лицензияловчи орган ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП ёки “Лицензия” ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи – ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда лицензияловчи орган ҳисобварағига ўтказилади.

Лицензия даъвогари берилган аризадан воз кечган тақдирда, тўланган йифим суммаси қайтарилмайди.

10. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёrlаш ва қайта тайёrlаш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти ушбу Низомга З-иловадаги схемага мувофиқ лицензияланади.

Ариза давлат хизматлари марказлари орқали топширилганда, масъул ходим лицензия бериш учун ариза ва бошқа зарур ҳужжатларни рўйхат асосида қабул қиласди. Давлат хизматлари марказларининг масъул ходими лицензия даъвогарининг аризасини зарур ҳужжатлар билан бирга Ички ишлар вазирлигига ариза қабул қилинган куни юборади.

Ариза Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки “Лицензия” ахборот тизими орқали юборилганда, лицензия даъвогарининг аризаси қабул қилинганлиги ҳақидаги электрон хабар Ички ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан лицензия даъвогарининг электрон манзилига юборилади.

Ички ишлар вазирлиги ариза қабул қилгандан сўнг 15 иш куни ичидаги ҳужжатларнинг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини ўрганади.

Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги ёки уларнинг ҳудудий бўлинмаларидан малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, лицензия даъвогарининг давлат таълим талбларида назарда тутилган моддий-техник ва ўқув-методик базага эга эканлиги тўғрисидаги экспертиза хulosаларини тайёrlаш жараёнини ташкил этади.

Тайёrlанган экспертиза хulosалари ўрганиш жараёнида иштирок этган давлат органларининг масъул мутахассислари томонидан имзоланади.

Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, электрон лицензия расмийлаштирилади, электрон рақамли имзо билан тасдиқланади ҳамда давлат божи тўлангандан кейин давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд “Лицензия” ахборот тизими орқали лицензия даъвогарига юборилади.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, 1 иш куни мобайнида лицензия даъвогарига рад этиш сабаблари ва лицензия даъвогари уларни бартараф этган ҳолда қайта кўриб чиқиши учун ариза бериши мумкин бўлган муддат кўрсатилган билдиришнома давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари ёхуд “Лицензия” ахборот тизими портали орқали юборилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия даъвогарининг аризаси олинган кундан бошлаб 15 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.”;

12-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Лицензия даъвогари лицензия беришнинг рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги ходимларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш хукуқига эга”;

17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Лицензия Ички ишлар вазирлиги томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб 5 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қайта расмийлаштирилади”;

19-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўzlари “, Ички ишлар вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

21-банда:

биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўzlари “Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (кейинги ўринларда – ЙХХХ)” сўzlари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “ДИХХХ” сўзи “ЙХХХ” сўзи билан алмаштирилсин;

23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатиш фаолияти учун лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилишини текшириш таълимни бошқариш тизими органлари ва бошқа ваколатли органларнинг тажрибали вакиллари иштирокида амалга оширилади.”;

24-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида” сўzlари “Ички ишлар вазирлигига” сўzlари билан алмаштирилсин;

25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Ички ишлар вазирлигининг қарорига мувофиқ амалга оширилади”;

29-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“29. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматини кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш хукуқини берувчи лицензияни олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.”;

30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“30. Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварафига;

0,5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварафига (ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);

20 фоизи – ахборот-коммуникация хизматларидан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун лицензияловчи органнинг маҳсус ҳисобварафига;

давлат божи суммасининг қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади;

б) Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки “Лицензия” ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварафига;

11,75 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварафига (шу жумладан 0,5 фоизи – ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);

28,125 фоизи – ахборот-коммуникация хизматларидан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун лицензияловчи органнинг маҳсус ҳисобварафига;

давлат божи суммасининг қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади”;

1-илова қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти  
транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда  
қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари  
кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти  
воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича  
нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш  
ПАСПОРТИ**

1.	<b>Лицензия номи:</b>	Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш
2.	<b>Ариза берувчилар тоифаси:</b>	Юридик шахс

3.	<b>Лицензияловчи орган:</b>	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
4.	<b>Лицензияни олиш учун тақдим қилинадиган хужжатлар:</b>	<p>а) ариза. Аризада қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-хукуқий шакли, почта манзили, электрон почтаси (мавжуд бўлса), таълим фаолиятини амалга ошириш манзили, банк муассасасининг номи ва банк хисобварағи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), фаолиятнинг лицензияланётган тури, таълим фаолияти йўналишлари рўйхати, ариза тўлдириш сабаби (янги лицензия олиш, қайта расмийлаштириш), лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишга розилиги;</p> <p>лицензия олмоқчи бўлган даъвогарлар аризада лицензияланадиган фаолият билан бирга автомототранспорт воситаларини бошқариш хукуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлса, бу ҳақида алоҳида кўрсатиб ўтади;</p> <p>б) ёнғин ва санитария-эпидемиология хизмати органларининг мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига ва санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хуласалари;</p> <p>в) педагог кадрлар (ҳайдовчи-йўриқчилар) ҳақида маълумот;</p> <p>г) ўқув режаси ва дастурларининг электрон нусхалари.</p> <p>Лицензияловчи орган қўйидаги маълумотларни “Ягона миллӣй меҳнат тизими” идоралароро дастурий-аппарат комплекси орқали автоматик равишда мустақил тарзда текширади:</p> <p>олий педагогик маълумот тўғрисидаги диплом ёки хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома (ҳайдовчи-йўриқчилар учун талаб қилинадиган маълумотни тасдиқловчи хужжат) нусхаси;</p> <p>педагог кадрлар (ҳайдовчи-йўриқчилар) иш стажини тасдиқловчи “Электрон меҳнат дафтарчasi” тизимидан кўчирма;</p> <p>д) ўзлаштиришни кўтаришга йўналтирилган, ўқитишини мониторинг қилиш ва режалаштириш имконини берувчи автоматглаштирилган ахборот тизимини мулкий ёки бошқа ашёвий хукуқ билан юридик шахсга тегишлилиги ҳақидаги хужжат;</p> <p>е) бутун ўқув жараёнини қамраб оладиган давлат таълим талабларига мувофиқ уч ўлчамли анимация эфектлари ва видеоконтентга эга автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ишлаб чиқилган электрон ўқув-услубий кўлланмалар билан аккредитация муддатига мулкий ёки бошқа ашёвий хукуқ билан таъминланганлиги ҳақидаги хужжат;</p> <p>ж) ҳайдовчиликка номзодларни назарий имтиҳондан ўтказиш учун ўқув дастурини қамраб олган электрон (анимацион) тест саволлари тўпламининг мулкий ёки бошқа ашёвий хукуқ билан юридик шахсга тегишлилиги ҳақидаги хужжат (автомототранспорт воситаларини бошқариш хукуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар учун);</p>

	<p>з) назарий имтиҳонларни ўтказиш учун техник ва технологик воситалар билан маҳсус жиҳозланган зал (хоналар), автомототранспорт воситаларининг барча тоифалари бўйича амалий имтиҳонларни ўтказиш учун автоматлаштирилган автодром ва маҳсус жиҳозланган автомототранспорт воситаларининг мулкий ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан юридик шахсга тегишлилиги ҳақидаги ҳужжат (автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар учун);</p> <p>и) автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказишида фойдаланиладиган автоматлаштирилган тизимларнинг қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфисизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфисизлиги хизматининг (кейинги ўринларда – ЙХХХ) экспертиза хulosаси нусхаси (автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар учун).</p>
5.	<b>Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йигим миқдори:</b>
7.	<b>Лицензия берилгандилиги учун давлат божи миқдори:</b>
8.	<b>Аризани кўриб чиқиш муддати:</b>
9.	<b>Лицензия талаблари ва шартлари:</b> <p>I. Умумий лицензия талаблари ва шартлари:</p> <p>а) Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;</p> <p>б) таълим-тарбия фаолияти юритиладиган бинога (хоналарга) мулкий ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мавжудлиги (олди-сотди шартномаси ёки кўчмас мулк ижараси шартномаси (агар бино ижарага олинган бўлса), кўчмас мулк обьекти кадастр паспорти, кўчмас мулк обьектига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар)*;</p> <p>в) таълим-тарбия жараёнини давлат таълим стандартларига (давлат таълим талабларига), ўқув режаси ва дастурларига, автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қўйиладиган давлат таълим талабларига, ўқув режаларига ва фанларнинг ўқув дастурларига, шунингдек, таълим ташкилотлари томонидан мустақил ишлаб чиқилиб, лицензия олиш пайтида тақдим этилган ўқув дастурларига мувофиқ ташкил этиш;</p> <p>г) таълимнинг мажбурий равишда дунёвий характерда бўлиши, таълим жараённида урушни, зўравонликни тарғиб қилишдан фойдаланишга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлиги камситилишига, мамлакатдаги хавфисизлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка, жамиятнинг</p>

хукуқий ва маънавий асосларига, фуқаролар осойишталигига, миллатлараро ва динлараро тотувликка рахна солинишига, Ўзбекистон Республикаси тўғрисида ишончсиз маълумотлар тарқатилишига ва халқнинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятлари бузиб кўрсатилишига йўл қўймаслик;

д) илғор халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда, ўқитишининг инновацион шакллари, усуллари ва замонавий технологиялардан фойдаланиш асосида таълим соҳасида фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш;

е) таълим ташкилоти, таълим олувчилик ва педагог кадрлар (ҳайдовчи-йўриқчилар) тўғрисидаги тўғри, тўлиқ ва ишончли маълумотларни “Узлуксиз таълим” ахборот тизимида киритиш ва ҳар чоракда янгилаб бориш\*;

ж) ҳар бир аудиторияда видеопроектор ёки диагонали 50 дюймдан кам бўлмаган интерактив монитор (телевизор), компьютер, аудио ва видеоқузаатув тизими, йўл ҳаракати қоидалари бўйича кўргазмали қўлланмалар, шунингдек, ўкув жараёни ва якуний тест синовларининг ошкоралигини таъминлаш учун ёзиб олиш тизимининг мавжуд бўлиши;

з) ўкув гурухлари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда якуний имтиҳонларнинг шаффоф ўтказилиши ва натижаларининг холислигини назорат қилиш бўйича маълумотларни ЙХХХнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида реал вакт режимида киритиб бориш имкониятининг яратилганлиги;

и) лицензия даъвогарида лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган, унга мулкий ёки бошқа ашёвий хукуқ билан тегишли бўлган, белгиланган тартибда қайта жиҳозланган ва рўйхатга олинган ўкув автомототранспорт воситалари ёки шаҳар электр транспорти воситаларининг мавжудлиги;

к) автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича давлат таълим талабларига мувофиқ ўқитувчилар ва инструкторлар таркибининг мавжуд бўлиши;

л) таълим жараёнини қонунчилик хужжатлари билан давлат таълим муассасалари учун белгиланган кийиниш талабларига ҳамда таълим ташкилотининг ички тартиб-қоидаларига ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда ташкил қилиш;

м) битирувчиларга белгиланган тартибда таълим тўғрисида хужжат бериш.

**II. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим хизматларини кўрсатиш юзасидан алоҳида лицензия талаблари ва шартлари:**

Т/р	Лицензия талаблари ва шартлари	Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар
1.	Таълим фаолиятини амалга ошириш учун қайта жиҳозланган	олди-сотди шартномаси; автомототранспорт шартномаси (агар автомототранспорт воситаси ижарага олинган бўлса);

		ва рўйхатга олинган ўқув автомототранспорт воситалари ёки шаҳар электр транспорти воситаларининг мавжудлиги:*	автомототранспорт воситаларини қайд этиш гувоҳномалари ва қайта жиҳозланганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар. Бунда “В” тоифа учун ишлаб чиқарилганлигига 10 йилдан ортиқ бўлмаган, бошқа тоифалар учун ишлаб чиқарилганлигига 20 йилдан ортиқ бўлмаган автомототранспорт воситалари бўлиши лозим; автомототранспорт воситасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳукуқини тасдиқловчи бошқа хужжатлар.
2.	Ўқув ва ўқув-методик адабиётлар ҳамда ахборот-ресурс базаси билан таъминланганлиги: *	камида 5 та компььютер техникаси, сканер ва нусха кўчириш аппарати билан жиҳозланган ахборот-ресурс маркази; таълим олувчилар учун электрон ўқув-методик қўлланма; ҳар бир ўқитувчига ўқув қўлланмаси ва қўшимча адабиётлар.	
3.	Таълим олувчиларнинг максимал сони:*	гуруҳда – 24 нафар.	
4.	Таълим олувчилар сонига тўғри келадиган ўқитувчилар ва ҳайдовчи-йўриқчилар штат бирликлари:*	ўқитувчи – 24 нафаргача таълим олувчига 1 штат бирлиги; ҳайдовчи-йўриқчи – 12 нафаргача таълим олувчига 1 штат бирлиги.	
5.	Ўқитувчиларнинг минимал сони:*	автотранспорт мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга ўқитувчилар сони – 1 нафар; шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ёки тиббиёт ихтисослиги бўйича олий ёки ўрта маҳсус маълумотга эга йўриқчилар (парамедиклар) сони – 1 нафар; автотранспорт воситасини бошқариш бўйича уч йил (“D” тоифаси учун беш йил) стажга эга ҳайдовчи-йўриқчилар сони – 1 нафар.	
6.	Ҳайдовчиларни тайёрлаш таълим ташкилоти ва унинг ҳудудига қўйиладиган талаблар:*	тунги ёритгичлар ўрнатилганлиги; ичимлик сув ва канализация билан таъминланганлиги; ҳожатхона билан таъминланганлиги; ҳар бири камида $40 \text{ m}^2$ майдонга эга бўлган ва битта ҳудудда жойлашган камидаги иккита хонанинг (аудитория) мавжудлиги;	

			<p>йўл харакати қоидалари, йўл харакати хавфсизлиги асослари ва биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув аудиториясини автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қўйиладиган давлат таълим талабларида белгиланган мезонларга мувофиқ жиҳозланганлиги;</p> <p>автомототраспорт воситаларининг тузилиши, ишлатилиш асослари, уларга техник (сервис) хизмат кўрсатиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув аудиториясининг мавжудлиги;</p> <p>ўқув автодромининг ҳажми, ҳайдовчиликка номзодларнинг сони ҳамда ушбу ўқув автодромидан фойдаланувчи бошқа шахслар сонидан келиб чиқиб, унумдорлиги (сигими) амалий машғулотларни ўtkазиш учун етарли бўлган ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда жиҳозланган, ўзига мулкий ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан (ижара, фойдаланиш ёки бошқа ҳуқуқ асосида) тегишли бўлган ўқув автодромининг мавжудлиги;</p> <p>таълим олувчиларнинг билимларини якуний тест синовларидан ўтказиш учун камида 10 та компьютер техникаси билан жиҳозланган алоҳида хонанинг мавжудлиги.</p>
7.	Ахборот технологиялари билан таъминланганлик даражаси: <sup>*</sup>		<p>камида 75 фоиз компьютер техникалари 10 мбит/сек тезлиқдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланганлиги;</p> <p>камида 30 фоиз ҳудудда Wi-Fi зоналар ташкил этилиши.</p> <p>турникет ҳамда аудио ва видеокузатув тизими;</p> <p>ўқув жараёнига ўзлаштиришни оширишга йўналтирилган ўқитиши мониторингини олиб бориш ва режалаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этилганлиги;</p>

			<p>ҳар бир таълим олувчи (тингловчи)ни бутун ўкув жараёнини қамраб оладиган давлат таълим талабларига мувофиқ уч ўлчамли анимация эфектлари ва видеоконтентга эга электрон ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланганлиги;</p> <p>таълим олувчи (тингловчи)ларнинг билимларини якуний тест синовларидан ўтказиш учун уларни идентификация қилиш, улардан назарий имтиҳонни инсон омилисиз, автоматлаштирилган ҳолда қабул қилиш, натижаларини баҳолаш, электрон баённомаларни шакллантириш ва узатиш тизимларига эга бўлган дастурий таъминот ўрнатилган компьютерлар билан жиҳозланган алоҳида аудиториянинг мавжудлиги.</p>						
	8.	Ўқув аудиторияларида таълим фаолияти учун яратилган шароитларга қўйиладиган минимал талаблар: <sup>*</sup>	<p>ўлчами 1500x1000, 1500x2000 ёки 2500x2000 бўлган электрон ёки оддий доска – 1 та;</p> <p>видеопроектор ёки экран ўлчами камидা 50 дюйм бўлган интерактив монитор (телевизор) – 1 та;</p> <p>видеокузатув тизими видеокамералари – 4 та;</p> <p>аудиториянинг ёритилиш даражаси – 400 люкс.</p>						
<p><b>III. Автомототранспорт воситаларини бошқариш хуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари:</b></p>			<table border="1"><thead><tr><th>T/r</th><th>Лицензия талаблари ва шартлари</th><th>Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар</th></tr></thead><tbody><tr><td>1.</td><td>Автомототранспорт воситаларини бошқариш хуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш учун ўқув автомототранспорт воситаларининг мавжудлиги:<sup>*</sup></td><td><p>8 нафар таълим олувчига –тегишли “В” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси.</p><p>12 нафар таълим олувчига –тегишли “С” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси.</p><p>24 нафар таълим олувчига –тегишли “D” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси.</p></td></tr></tbody></table>	T/r	Лицензия талаблари ва шартлари	Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар	1.	Автомототранспорт воситаларини бошқариш хуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш учун ўқув автомототранспорт воситаларининг мавжудлиги: <sup>*</sup>	<p>8 нафар таълим олувчига –тегишли “В” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси.</p> <p>12 нафар таълим олувчига –тегишли “С” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси.</p> <p>24 нафар таълим олувчига –тегишли “D” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси.</p>
T/r	Лицензия талаблари ва шартлари	Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар							
1.	Автомототранспорт воситаларини бошқариш хуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш учун ўқув автомототранспорт воситаларининг мавжудлиги: <sup>*</sup>	<p>8 нафар таълим олувчига –тегишли “В” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси.</p> <p>12 нафар таълим олувчига –тегишли “С” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси.</p> <p>24 нафар таълим олувчига –тегишли “D” тоифадаги 1 та автомототранспорт воситаси.</p>							

	2.	Автомото-транспорт воситаларини (троллейбус ва трамвайдан ташқари) бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича таълим ташкилотига кўйиладиган талаблар (ушбу талаблар автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун татбиқ этилади):*	ҳайдовчиликка номзодларни имтиҳондан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш учун электрон буюртма (мурожаат)ларни қабул қилиш тизимининг мавжудлиги; ҳайдовчиликка номзодларнинг электрон рўйхатини шакллантириш, имтиҳонларни ўтказиш муддатларини белгилаш ва ҳайдовчиликка номзодларни ҳамда ЙХХХ масъул ходимини олдиндан хабардор қилиш тизимининг шакллантирилганлиги; ҳайдовчиликка номзодларни назарий имтиҳондан ўтказиш учун ўқув дастурини камраб олган электрон (анимацион) тест саволлари тўпламининг шакллантирилганлиги; имтиҳонларни ўтказиш тизимлари унумдорлигининг хизмат кўрсатиш худуди (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри)да имтиҳон топширувчилар сонига мувофиқлиги; диспетчерлик (назорат) пункти ҳайдовчиликка номзодларнинг ҳаракатларини кўрсатиб турадиган компьютер ва мониторлар, автоматлаштирилган автодром тизимининг элементи сифатида ишлайдиган ахборотни доимий қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш ускуналари, овозли алоқа воситалари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиши; ҳайдовчиликка номзодларни идентификация қилиш, улардан назарий ва амалий имтиҳонларни инсон омилисиз, автоматлаштирилган ҳолда қабул қилиш, натижаларини баҳолаш, электрон баённомаларни шакллантириш ва узатиш бўйича ахборот тизимининг мавжудлиги; назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун асос бўладиган маҳсус ҳимояланган сертификатларни шакллантириш, сертификатлар реквизитларини давлат хизматлари маркази ҳамда ички ишлар органларига автоматлаштирилган ҳолда тақдим этиш имкониятининг мавжудлиги;
--	----	---	--

		<p>ўтказилган имтиҳон натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг таҳлилларини ЙХХХга мунтазам тақдим этиб бориш;</p> <p>имтиҳонлар жараёнини ЙХХХ ва унинг худудий бўлинмалари томонидан онлайн режимда назорат қилиш ҳамда жамоатчилик эътиборига видеотрансляция қилиш имкониятининг мавжудлиги.</p> <p>имтиҳонларни ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишга доир тартиб-таомиллар (мурожаатларни қабул қилиш, қайд этиш, кўриб чиқиш, имтиҳонларни ташкил этиш, ўтказиш, баҳолаш мезонлари, ахборот алмашинуви, иш юритиш ва бошқа маъмурӣ тартиб-таомиллар) ЙХХХ билан 15 иш куни мобайнида келишилган ҳолда тасдиқланганлиги.</p>
3.	Ҳайдовчиларни тайёрлаш таълим ташкилотининг ҳудудига қўйиладиган талаблар: <sup>*</sup>	тунги ёритгичлар ўрнатилганлиги; ичимлик сув ва канализация билан таъминланганлиги; ҳожатхона билан таъминланганлиги; автомототранспорт воситаларининг тоифа(лар) йўналиши бўйича амалий имтиҳонларни ўтказиш учун камида 10000 м <sup>2</sup> ер майдонига эга бўлган, автоматлаштирилган автодром ва маҳсус жиҳозланган автомототранспорт воситаларининг мавжудлиги, уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги;
4.	Ахборот технологиялари билан таъминланганлик даражаси: <sup>*</sup>	аудио ва видеокузатув тизими мавжудлиги; назарий имтиҳонларни ўтказишнинг ошкоралигини таъминлаш учун видео ёзиб олиш тизими мавжудлиги; имтиҳонлар жараёнини ЙХХХ ва унинг бўлинмалари томонидан онлайн режимда назорат қилиш ҳамда жамоатчилик эътиборига видеотрансляция қилиш имкониятининг мавжудлиги; ҳайдовчиликка номзодларни идентификация қилиш, улардан назарий ва амалий имтиҳонларни инсон омилисиз, автоматлаштирилган ҳолда қабул қилиш, натижаларини баҳолаш, электрон баённомаларни шакллантириш ва узатиш тизимларининг мавжудлиги;

			назарий имтиҳонларни ўтказиш учун 20 мбит/сек тезликдаги Интернет жағон ахборот тармоғига уланган камида 25 та компьютер техникаси билан жиҳозланган алоҳида кабиналарга ажратилған (оператор ва номзодлар маҳсус ойна билан ажратилған), шунингдек, техник воситалар (камералар) билан маҳсус жиҳозланган зал (хоналар)нинг мавжудлиги;
	5.	Имтиҳон топширувчиларнинг максимал сони: <sup>*</sup>	Гурухда – 24 нафар
10.	Лицензия беришда келишиладиган органлар:	a) давлат ёнгин назорати органлари томонидан мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги түғрисидаги хулоса (5 иш куни ичида); б) санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги түғрисидаги хулоса (5 иш куни ичида).	
11.	Лицензиянинг амал қилиш муддати:	Чекланмаган	
12.	Изоҳ.	<i>*) Қўпол равшида бузии деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.</i>	“”

куйидаги мазмундаги З-илова билан тўлдирилсин:

“Автомотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби түғрисидаги низомга  
З-илова

**Автомотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Лицензия даъвогари (юридик шахс)	Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида лицензия олиш учун хужжатларни давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд “Лицензия” ахборот тизими орқали юбориш.	Лицензия даъвогарининг хоҳишига кўра

2-босқич	Давлат хизматлари марказлари ходимлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд “Лицензия” ахборот тизимиға киритиш учун масъул ходим	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Лицензия бериш учун ариза ва рўйхатда кўрсатилган маълумотларни қабул қилиш.</li><li>2. Лицензия даъвогарига ариза қабул қилинган сана қайд этилган рўйхатга олиш нусхасини бериш ёки даъвогарнинг электрон почта манзилига юбориш.</li><li>3. Лицензия даъвогаридан қабул қилинган барча ҳужжатларни Ички ишлар вазирлигининг электрон почта манзилига юбориш.</li></ol>	Ариза қабул қилинган кун
3-босқич	Ички ишлар вазирлиги	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Ички ишлар вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳамда Ракамли технологиялар вазирлиги ёки уларнинг ҳудудий бўлинмалари малакали мутахассисларидан иборат эксперtlар гурухининг холосасини тайёрлаш.</li><li>2. Лицензия даъвогари лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини ўрганиш.</li><li>3. Электрон лицензияни ракамли имзо билан тасдиқлаб, давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд “Лицензия” ахборот тизимиға юбориш.</li><li>4. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганида, лицензия даъвогарига рад этиш сабаблари ва лицензия даъвогари уларни бартараф этган ҳолда қайта кўриб чиқиш учун ариза бериши мумкин бўлган муддат кўрсатилган билдиришномани юбориш.</li></ol>	Ариза қабул қилинган вақтдан бошлаб 15 иш куни ичида  Ҳужжатлар ўрганилгандан сўнг 1 иш куни ичида
4-босқич	Давлат хизматлари марказлари ходимлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд “Лицензия” ахборот тизимиға киритиш учун масъул ходим	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Лицензиатнинг банк хисобвараги реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати ҳақида хабардор қилиш.</li><li>2. Давлат божи тўлангандан сўнг лицензияни тақдим этиш.</li></ol>	Электрон лицензия келиб тушган кун  Давлат божи тўлангандан сўнг бир иш куни ичида

”,

г) 2-иловада:

6-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Комиссия давлат таълим муассасасида ҳайдовчиларни тайёрлаш (қайта тайёрлаш, малакасини ошириш) фаолиятини амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитларнинг Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади”;

9-банднинг биринчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг биринчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари” сўзлари “Ички ишлар вазирлигининг тегишли ҳудудий ЙҲҲБлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги “Давлат инспекцияси томонидан” сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 2<sup>1</sup>-иловада:

2-банддаги “кўрсатиш учун” сўзлари “кўрсатиш ҳуқуқини берувчи тегишли” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги “кўрсатиш учун” сўзлари “кўрсатиш ҳуқуқини берувчи тегишли” сўзлари билан алмаштирилсин;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Амалий имтиҳон ўтказиладиган транспорт воситаларининг жиҳозланиши ҳамда автоматлаштирилган автодром Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказишда фойдаланиладиган объектларнинг жиҳозланишига кўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши керак.”;

43-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 3-иловада:

7-банддаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Давлат инспекцияси деб аталади)” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банддаги “Давлат инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Россия Федерациясида бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувохномаларини беришда қулайликлар яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 2 ноябрдаги 667-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбошисидаги “2023” рақами “2024” рақами билан алмаштирилсин.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айrim фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 2-иловада:

- a) 2-позициянинг “е” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- б) 5-позицияда:

“б” кичик банддаги “(ҳайдовчи-йўриқчилар)” сўзлари чиқариб ташлансин;

“в” кичик банда:

учинчи хатбошидаги “(ҳайдовчи-йўриқчилар учун талаб қилинадиган маълумотни тасдиқловчи ҳужжат)” сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги “(ҳайдовчи-йўриқчилар)” сўзлари чиқариб ташлансин;

- в) 9-позиция ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- г) 10-позициянинг “г” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарори билан тасдиқланган Фаолиятни бошлиш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 8-илованинг 4-позициясидаги “Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

